

Юртимиз анъанавий таъқвондочилари Малайзияда ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида зафар кучишти.

**Биз — биринчимиз!**

Дунёнинг йигирмадан ортқ давлатидан спортчилар қатнашган маъруз мусобақада вакиллари ўттиз бешта медални қўлга киритдилар. Фаънамиздаги ўттизта олтин ҳамда икки кумуш ва уч бронза медали спортчиларимизнинг қандай катта кучга эга эканликлари кўрсатиб турибди.

Турли вазнда жангларида иштирок этган Рустам Тўйчибоев, Умид Ирисметов, Нурриддин Раҳимов, Константин Ли, Сергей Соловьёв ва бошқалар мутахассислар эътиборини қозонди.

Қизларимиздан, айниқса, Зара Ахрорқуллова масоғи баҳсларида барчанинг олқишига сазовор бўлди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон биринчи, Малайзия ва Гонконг таъқвондочилари кейинги ўринларни банд этдилар.

Адҳам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

**ЖИЗЗАХ**

Мамлакатимизнинг Олий ҳарбий билим юртида бугун ўттизга яқин мутахассислик бўйича офицер кадрлар тайёрланмоқда. Булажак ҳарбий офицерлар жойлардаги олийгоҳларга кириш учун тест синовлари топширидилар. Жумладан, Жиззах Олий ҳарбий Авиация билим юртида ҳам тест синовлари муваффақиятли ўтди.

**Дастлабки тест**

— Ёшлигимдан ҳарбий бўлишга аҳд қилганман, — дейди самарқандлик абитуриент Ж.Абдурашидов. — Психологик тайёргарлик ва жисмоний чинқишларим бўйича синовлардан муваффақиятли ўтга, тест синовларини топширдим. Натига ёмон бўлма-са керак деб ўйлайман.

Тест синовлари натижаси 15 июл куни эълон қилинади. Бу эса омади чолмаган абитуриентнинг бошқа олийгоҳга ҳужжат топшириб, яна бир бора билимини синов кўриш имконини беради.

Ўз мухбиримиз

**НАМАНГАН**

Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Савоб» кўп тармоқли агрофирмасида янги технология ёрдамида қоғоз чиқиндилари қайта ишланиб, картон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

**Чиқиндидан сифатли маҳсулот**

— Мамлакатимизда тadbиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришга замонавий минитехнологиялар ва чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида яратилган кенг имкониятлардан самарали фойдаланиб, Хитойдан замонавий технологик линия келтириб, ишга туширидик, — дейди корхона раҳбари Валихон Хамидов. — Қуввати йилга 900 тоннани ташкил этадиган маъруз лойиҳа айти пайтда босқичма-босқич ўзлаштирилмоқда.

Корхонада янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши муносабати билан ўнга қўшимча иш ўрни яратилди. Асосан коллеж битирувчилардан ташкил топган жамоа қисқа вақт ичида ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 25 тоннадан оширди. Буюртмачиларга йил охирига қадар 300 тонна картон этказиб бериш кўзда тутилган.

ЎзА



Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг нашри • 2013-йил 13-июль, шанба № 83 (3276)

# Ishonch

## Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи — ойига 91 530 сўм;  
ёшга доир пенсиялар — ойига 179 020 сўм;  
болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179 020 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109 850 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилидиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим мошолири миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харajatлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳужалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 9 ноябрдаги ПФ-4482-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 августидан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2013 йил 11 июль

**Ўз — ўтмоқда соз!**

Ўзининг айти жазирама кунларида хушхаво, сўлим гўшаларда яйраб ҳордиқ чиқаришнинг гашти ўзгача. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи тасарруфидаги «Нефтич» оромгоҳида ҳар йили минг нафар атрофида ўғил-қиз ёзи таътилни мароқли ўтказишади. Бунинг яна сабаби бор. Кўпгина оромгоҳларда ҳар босқичда 12-14 кун ҳордиқ чиқарилса, бу ерда 18 кун қилиб белгиланган.

## Яйраб ҳордиқ чиқаришяпти

— Масканимизнинг биринчи босқичида 250 нафар бола дам олган бўлса, иккинчи босқичида уларнинг сони 340 нафарга етди, — дейди оромгоҳ директори Файзулла Қудратов. — Талабнинг ортиб боришини инобатга олиб, корхонамиз маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси етарли шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишяпти. Жорий йил мавсумида оромгоҳимизда 1008 нафар боланинг ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Асосан заводимиз ишчи-ҳодимлари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар ўғил-қизлари жалб қилинади.

Оромгоҳ бош тарбиячиси Нозима Қирғизбоева мадания-маърифий тадбирлар, тўғараклар фаолияти ва спорт ўйинлари машғулотларига бош-қош. Айниқса «Обод турмуш йили» мавзусидаги иншоолар ва расмлар қўриқ-танловлари, «Компютер саводхонлиги», «Инглиз тилини ўрганамиз», «Рақслар гулдаси», «Мохир кўллар», «Ёш китобхонлар» каби қатор тўғаракларнинг фаолияти болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Бухоронейтгазқурилиштаъмир» очик акционерлик жамиятига қарашли «Мовий гулкан» болалар оромгоҳида бу йил 770 нафар ўғил-қизларнинг кўнгилли дам олиши кўзда тутилган. Утган икки сменада ОАЖга қарашли Бухоро, Газли, Муборак, Когон, Пешку

**Абитуриент — 2013**



Талаба бўлиш иштиёқида туну кун бош кўтармай китоб varaқлашлари тест синови пайтидаги ҳаяжонлар... Абитуриентларнинг бундай беҳаловат онларини кўпчилик бошидан ўтказган. Айти кунларда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ҳам қабул жараёни қизгин давом этмоқда. Ўқишга ҳужжат топшираётган ёшларнинг кўзига боқсангиз, «Мен, албатта, талаба бўламан!», деган ишончи уқасиз.

# Синов онлари яқин!

Бу ерда абитуриентлар учун барча шароит яратилган. Қабул жараёни билан боғлиқ маълумотлар эълонлар тахта-сидан жой олган. Факултетлар фаолиятини ёритувчи стендлар ҳам мавжуд.

— Бу йил Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежини тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика (фаолият турлари бўйича) таълим йўналишига ҳужжат топширдим, — дейди пойтахтлик Шаҳно Қодирова. — Ёшлигимдан журналистикага ҳавасим кучли бўлиб, шу касб эгаси бўлишни дилимга тукканман. Шу истак мен ушбу даргоҳга етаклаб келди. Қабул жараёнига келсак, яратилган шароитлардан хурсандимиз. Керакли маълумотларни масъул ходимлар тушунтиришапти. Энди фақат

биринчи августни интизорлик билан кутяпман.

— Президентимизнинг 2013 йил 23 майдаги «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-верситетининг фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори таълим даргоҳимизда ўқув-тарбия ишларини юксак даражага кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу юртимизда ёшларнинг чет тилларни мукамал ўрганишига қаратилаётган улкан эътибор намунаси, десак адашмай-миз. Жорий йилда университетимизда хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили йўналишига 1055 нафар талаба қабул қилиш кўзда тутилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди, — дейди қабул комиссиясининг масъул ходими Сайёра Отахонова. — Умуман, бу йил университетнинг

бакалаврият босқичига 1350 та (давлат гранти бўйича 385 та, шартнома асосида 965 та), магистратура босқичига эса 131 та (давлат гранти бўйича 24 та ва шартнома асосида 107 та) ўрин ажратилган. Ҳужжат топшираётган абитуриентлар сони ҳар йилгидан-да кўп. Шу кунга қадар 3450 нафар йигит-қизнинг ҳужжатини қабул қилдик. Бу ёшларнинг хорижий тилларга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

— Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини ўқиб хурсанд бўлдим. Бу биз ёшлар учун дунёвий илмларни эгаллашда янада катта имкониятлар эшигини очди, — дейди Қашқадарё вилоятининг Китоб ту-

манилик Мухриддин Пўлатов. — Жорий йил Куролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, Ватан олдидаги бурчимни адо этиб, имтиёзли балл билан қайтдим. Ҳозиргина университетнинг хорижий тил ва адабиёти: инглиз тили йўналишига ҳужжат топширдим. Мақсадим инглиз тили бўйича етук мутахассис бўлиб етишишимдир.

Қай бир ёш билан суҳбатлашманг, талабалик шарофига етишиб, келажақда халққа хизмат қиладиган етук мутахассис бўлиш орузидан сўзлайди. Биз уларга бу умидлари амалга ошиб, олдиндаги синови онларни мардонавор энгиб ўтишларини тилаймиз.

Салим АБДУРАШОНОВ, «Ishonch» мухбири, Икром ХАСАНОВ олган суратлар



каби шаҳар ва туманлардаги корхоналар ишчи-хизматчиларининг 545 нафар фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқарди. Мавсум охиригача яна 354 нафар болажон дам олдирилади.

— «Мовий гулкан» оромгоҳига биринчи марта келишим, — дейди Муборак шаҳридан ташриф буюрган Санобар. — Оромгоҳ менга жуда ёқди. Тўғарак машғулотларида қатнашмаяпман. Спорт билан шуғулланаяпман. Суз хавзасига гап йўқ. Овқатлари мазали. Муҳими, кўплаб дўстлар ортирдим. Саёҳатга чиққанимизда Бухоронинг тарихий жойлари бизда катта таассурот қолдирди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

## Сўлим оромгоҳда тантана

«Қибрай» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳида темирйўлчиларнинг фарзандлари дам олади.

Бу йил оромгоҳнинг очилганига 80 йил тўлди. Шу муносабат билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Оромгоҳ дастлаб Оққовоқ посёлкаси яқинида ёшларнинг дам олиши учун палаткали шаҳарча сифатида ташкил этилган. Кейинчалик қурилиш лойиҳаси тасдиқланиб, илк павильон бунёд этилди. Энидан «Захарик» канали оқиб ўтади. Табиати гўзал, тароватли гўша.

— Мустақиллик йилларида оромгоҳ янада кўркамлашди, — деди тантанани очар экан Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собиров. — 2009-2010 йилларда бу ерда 4 та янги бино бунёд этилди. Оромгоҳ атрофлари ўралди, ошхона жиҳозлари янгиланди. 2 та сузиш хавзаси тубдан таъмирланиб, унда филтрдан ўтган тоза сув ишлатиладиган бўлди. Худуд ободонлаштирилди, йўлчалар асфалтланди.

Оромгоҳ 4 навбатда фаолият юри-тиб, ҳар йили 1620 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда.

Тошкент минтақавий темирйўл узели ҳамда худудий касба уюшмаси

раҳбарлари оромгоҳда болажонлар учун барча шароитни яратишга катта эътибор қаратяпти. Қувонарлиси, «Ўзбекистон темирйўллари» ДАК ҳомийлигида ҳар йили оромгоҳда кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари бепул дам олади. Шунингдек, Оролбўйлик темирйўлчиларнинг 270 нафар фарзанди ҳам соғломлаштирилади.

— «Қибрай» оромгоҳи менга жуда ёқди. Бу ерга учинчи марта келишим, — дейди қорақалпоғистонлик Малика Саидова. — Гуруҳимиз жуда аҳил, етакчи ва тарбиячиларимиз ҳам меҳрибон. Қўриқ-танловлар, баҳслар, мусобақалар, ўйинлар, ҳордиқ дамлари, сайру сەҳнатлар, қувноқ тадбирлар — бизни зериктишга қўймайди...

Тадбирда темирйўл компанияси, Тошкент МТУ, худудий касба уюшма кўмитаси ва темирйўл корхоналарининг раҳбарлари болажонларни табриқлаб, оромгоҳга видеокамера, мусиқа маркази, телевизор, синтезатор ва спорт жамламаларини совға қилишди.

Мурувватхон НОРМАМАНОВА

**Касаба уюшма ташкилотларининг асосий мақсад ва вазифаси ўз аъзоларининг меҳнат ва фуқаролик ҳуқуқлари, ишлаб чиқариш, касбий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдир. Ҳозирги кунда Қашқадарё вилоятида фаолият олиб бораётган бешта тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашларининг масъул ташкилотчилари, 49 та шахар ва туман кенгашлари, 7 та тармоқ касаба уюшмаларига қарашли бирлашган кўмиталар ва 2894 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятга янгича ёндашув асосида ана шу ишларни амалга ошираётир. Мазкур ташкилотлар орқали 604 минг 387 нафар касаба уюшма аъзосининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояга олинган. Бунинг учун вилоят миқёсида битта минтақавий, 17 та ҳудудий-тармоқ, туманлар миқёсида 28 та ҳудудий-тармоқ келишувлари, бевосита корхона, ташкилот ва муассасаларда 9 минг 858 та жамоа шартномаси амал қилиб келмоқда. Бунинг инъикоси сифатида истиқлол йилларида вилоятда касаба уюшма аъзолари сони 100 минг нафарга ошди.**

қалдирғочи», «Ёш алангачи», «Соҳибқирон» каби оромгоҳлар тақомиллашган лойиҳалар асосида қайта барпо этилди. Шулардан бири «Узгеобур-гунейтгаз» акциядорлик компаниясининг «Геобургефтгазсервис» шўба корхонасига қарашли Беруний номидаги оромгоҳ бўлиб, у ҳар қачонгидан фараҳли ва гавжум. Кўмак дарахтлар қўнидаги гўшад болалиқнинг гўзал онларини ўтказиб берган ўғил-қизларга қараб туриб, беихтиёр уларга тенглашиб қолгангиз келди. Кимдир ҳалинчада учаетир,

ташкilot» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиблари номи маълум бўлди. Ходимлар ўртасида касаба уюшма мавқеини ошириш, жамоанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бошланғич ташкилотларнинг фаол иштирокини таъминлаш, етакчиларнинг ижодкорлик қобилиятини шакллантириш мақсадида ўтказилаётган ушбу танлов ақиблари ҳақида тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашнинг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Шодмон Кубаев қуйидагиларни гапириб берди:

Ўтказилди. Ҳодимлар учун имтиёзли ошона иш бошлади. Педагогларимиз туман миқёсида ўтказилган «Санъатим сенга, обод юртим» кўрик-танловида барчага кўтаринки руҳ бахш этди. Ҳафтанинг ҳар шанбаси коллежда «Баркамол авлод ва спорт кун» деб эълон қилинган. «Тил билган дунёни билди» шиори остида Шўҳрат Бобоев ва Лилия Арапова раҳбарлигида инглиз тили тўғрисидаги иш олиб бормоқда. — Муҳими, жамоа ишончи, — дейди А. Ашуров. —

**ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ**

Жамоа шартномалари орқали 1544 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 4 минг 606 нафар эҳтиёжманд оила вакиллари 180,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун 63 та оилага 63 млн. сўмлик фойсиз ссудалар, фарзанди 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар таътилда бўлган 268 нафар ёш онага 38,3 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди. Нодавлат мулк шаклидаги 172 та корхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 182 нафар 3 ёшгача боласи бор аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланди.

Юртимизнинг Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шахрисабз каби тарихий шаҳарларига 2 минг 798 нафар кам таъминланган оила вакили учун саёҳатлар ташкил этилди. Бу мақсадларга касаба уюшма ҳамда иш берувчи маблағлари ҳисобидан жами 437 млн. сўм сарфланди.

«Наврўз» байрами муносабати билан касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий муҳофазатга муҳтож бўлган 1185 нафар эҳтиёжманд, ёлғиз, ногирон ҳамда уруш ва меҳнат фахрийларига жами 47,6 млн.сўмлик моддий ёрдам, 167 та кам таъминланган оилага 3,6 млн. сўмлик озик-овқат маҳсулотлари, 4 та «Мурувват» ва «Соҳават» уйлари 1,5 млн., «Хотир ва қадрлаш кун» муносабати билан

**ЎЗГАРИШЛАР, ЯНГИЛАНИШЛАР...**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси ва касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида имзоланган Бош келишув тизимдаги қатор муаммоларнинг ҳал этилишига жиддий туртки бўлди. Натijaда ижтимоий шерикликни ривожлантириш, тармоқ ҳамда минтақавий келишувлар таъсирчанлигини ошириш, тўлақонлигини таъминлаш асосий иш мезонига айланди. Меҳнат муҳофазасини кучайтириш, иш ҳақидан мuddатга ўтган қарздорликни бартараф этиш, ходимлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, соғломлаштириш ва спортни ривожлантириш юзасидан масъулият янада ошди. Тизимни тақомиллаштириш ва оптималлаштириш бўйича амалий ишлар олиб борилиб, 14 та тармоқ касаба уюшмалари фаолияти чуқур таҳлил этилди. Молиявий жиҳатдан кучсизланган қолган касаба уюшма тармоқлари бирлаштирилиб, қайта ташкил этилди. Касаба уюшмалари картасига жиддий ўзгаришлар киритилди. Қўйи бўғин касаба уюшма ташкилотлари фаолияти ва муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишга кўмаклашиш тизимини яратилди. Касаба уюшмалари тизими билан, фидойи, янгиликка интилувчан, ҳар ишда ташаббус кўрсата оладиган ёшлар билан кучайтирилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазат қилиш вазирлиги ўртасида тузилган қўшама тадбирлар режасининг 4-бандига қўшама уюшмалари томонидан янги ташкил этилган иш ўринларида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқлари, улар учун белгиланган қўшама кам-қолатлар, меҳнат ва дам олиш шароитлари таъминланганлигини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биргаликда ўрганиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилатири.

Касаба уюшмалари томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган касб-хунар коллежларининг кам таъминланган ўқувчилари ва янги иш бошлаган битирувчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 ва 50 фоизи миқдориде моддий кўмак бериш йўлга қўйилди. Бундан янгилашларни ҳар бир соҳада кузатиш мумкин.

**НОДАВЛАТ СЕКТОРИДА**

Нодавлат секторида қарашли корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ишловчиларни касаба уюшма ишзолигига жалб этиш бўйича кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бера бошлади. 2012 йили 239 та субъектда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, уларда ишловчи 5 минг 861 нафар ходим касаба уюшма аъзолигига қабул қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида 200 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилиди, 1 минг 860 нафар ходим касаба уюшмасига жалб этилди.

**ИСЛОХОТЛАР ИЗЧИЛЛИГИ**

Истиқлол йилларида иш берувчи ҳамда касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари, келишувлари орқали корхона, ташкилотларда ижтимоий ҳимояга муҳтож ишчи-хизматчиларга моддий кўмак бериш ишлари тобора ўсиб борапти. Масалан, жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бир ходимга сарфланган ўртача маблағ 2005 йилда 49 минг 343 сўмга тўғри келган бўлса,

# Касаба уюшмалари — истиқлол йилларида Қашқадарё вилояти

2010 йилда бу кўрсаткич 201 минг 527 сўмга етди. Тизимдаги ислохотлар туфайли касаба уюшмаларининг бошқарув тизими ихчамлаштирилиб, касаба уюшмалари фаолиятининг йўналишлари бўйича асосий ишларни бажарувчи бошланғич ташкилотларнинг корхона, ташкилот ва муассасалардаги мавқеи янада ортб, молиявий имкониятлари кучайтирилмоқда. Биргина мисол, жорий йилнинг 15 февралидан бошлаб амалда йилгилган аъзолик бадалларининг 60 фоизгача, балансида йирик ижтимоий объекти бўлган корхона, ташкилотларнинг бошланғич касаба уюшма кўмиталарида эса 70 фоизгача қолдирилиши натижасида 2013 йилда вилоят бўйича 2000 нафарга яқин меҳнаткашларнинг қўшама имтиёзли равишда соғломлаштирилишига эришилади. Клуб, маданият саройлари, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларига эътибор кучайди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойига ижтимоий-суғурта маблағлари ҳисобидан ишчи-хизматчиларга ҳар беш йилда бир маротаба имтиёзли санаторий йўланмаси бериларди. Қурултойдан сўнг бу даврийлик мuddати беш йилдан уч йилга қисқарди. 2013 йилдан бошлаб ишчи-ходимларга ҳар икки йилда санаторийларга имтиёзли йўланмалар бериш белгиланиб, қисман тўлов 50 фоиздан 45 фоизга туширилди. Тўлов миқдорининг 5 фоизга камайтирилиши натижасида вилоят ишчи-хизматчиларининг 100 млн. сўм миқдориде моддий манфаат кўриши кутулапти. Касаба уюшма бюджети ҳисобидан касаба уюшма аъзолари ҳамда уларнинг яқин қариндошлари (отана, турмуш ўртоғи, фарзандлари)га санаторий йўланмалари олиб беришнинг йўлга қўйилгани айни мuddао бўлди. Жумладан, ўтган йилда олиб берилган ислохотлар натижасида меҳнаткашлар ва уларнинг яқин қариндошларига 1000 нафардан ортқ имтиёзли йўланмалар берилди.

**МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРДА**

Сўзловчи ҳамма топилди, муҳими, тингловчи бўлсин, деган нақл бор. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими томонидан ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани боис, фуқаролар томонидан қилинаётган муурожаатлар ўзининг ижтимоий ечимини топмоқда.

Биргина 2012 йилни олади-ган бўлсақ, «Ишонч телефони»га 168 та муурожаат қабул қилинди ва уларга тегишли тартибда ҳуқуқий масlahатлар берилди. Меҳнат шартномалари ноқонуний бекор қилинган 45 нафар ходим юридик бўлими ва тармоқ кенгашлари мутахассислари аралашуви билан ишга тикланди. Масалан, Қарши шаҳар Халқ банки ама-

лиёти бўлими ходими Сабоҳат Хамроеваннинг иш берувчи томонидан ноҳақ бўшатилгани тўғрисидаги аризаси жойида ўрганилиб, ходим ишга тикланди. Қарши шаҳар «Сувқожа» корхонасидан Нуриддин Турдиев ҳамда Мансур Қувватов иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётгани ҳақида муурожаат қилишган эди. Ўрганиш натижасида бирлашма томонидан қиритилган тақдимномага асосан иш ҳақлари ундирилди. Чирокчи тумани 109-мактаб ўқитувчилари А.Абдураимова ва жами 26 нафар ходимнинг ишдан бўшатилиш нафақасини ололмаётгани тўғрисидаги муурожаати ҳам қаноатлантирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 618 та ёзма ва озмаки муурожаатлар қайд этилиб, шулардан 601 таси ихобий ҳал қилинди. 115 нафар ходимга ҳуқуқий масlahат берилди. Ноҳақ ишдан бўшатилган 11 нафар ходим ўз ўрнига тикланди.

Ҳуқуқини билган адашмайди. Шунга қўша бирлашма юридик бўлими Меҳнат кодекси ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабини амалда қўллаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга катта аҳамият қаратмоқда. Қарши шаҳри ва вилоятдаги барча туманларда касаба уюшма фаоллари, ташкилотлар ходимлари бўлимлари нозирлари ва ҳуқуқшунослари ўртасида ўқув семинарлари ўтказиб келинаётир. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этиш ҳамда фуқароларнинг муурожаатлари соҳасида касаба уюшма ташкилотларининг вазифалари ҳамда фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида кенг жамоатчиликка тушунчалар берилаетир.

ЭЪГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

Воҳда оромгоҳлар тизими тақомиллашувиде, соғломлаштириш жараёнлари намунали ўтишида касаба уюшмаларининг бевосита иштироки ва машаққатли меҳнати борлигини алоҳида таъкидлаш керак. Охири беш йилда вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан амалга оширилган ташкилий-амалий тадбирлар натижасида болаларни оромгоҳларга жалб этиш 17 минг нафардан 27 минг нафарга ўсди. Ташаббус, изланиш, жонқуярлик, ҳўжалик ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш туфайли халқаро мей-ёрларга мос келадиган «Ло-чин», «Нихол», «Шўртан

бошқаси шериги билан дарахтлар соя ташлаб турган майдончада стол тенниси ўйнамоқда. Хув нарида зукко ўғил-қизлар шахмат доналарини суриш билан машғул.

— Қарши шаҳриданман, ис-мим Саидали, — дея ўзини та-ништирди болақайлардан бири. — Бу ерга бултур ҳам келган-дим. Бу йил Шахрисабз шаҳри-даги тарихий обидаларга қилин-ган саёҳат менда катта таасу-рлар қолдирди. Оқсарой, Кўкгу-мбаз, Дору-саодат, Дорул-тило-ват мажмуаларини томоша қилиб, кўп нарсаларни билиб ол-дик. «Оромгоҳ маликаси», «Оромгоҳ шаҳзодаси» кўрик-танловларида билим ва маҳора-тимизни намойиш этдик.

— Май ойида кўрик-танлов-нинг туман ва шахар босқичла-ри ўтказилиб, унда барча бош-ланғич ташкилотларимиз фаол иштирок этди. Ақунларга тўхта-ладиган бўлсақ, Қарши шаҳри-да 5-умумтаълим макта-би, Шахрисабзда педагогика коллежи, Миришкорда 1-ўрта мактаб, Китоб туманида 29-, Қамашда 70-, Косонда 9-мактаб, Чирокчида спорт-педаго-гика коллежи, Деҳқонободда болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Қарши туманида 9-, Муборак туманида 4-, Нишон-да 35-, Касбида 56-, Ғузорда 47-умумтаълим мактаблари қилиб деб топилиб, бошланғич ташкилот ҳужжатлари танлов-нинг вилоят босқичига тақдим этилди. Ўрганиш натижалари-га қўша Шахрисабз педагогика коллежи ҳўжжатлари номенк-латура тартиби бўйича юри-тилгани, касаба уюшма кўми-таси хонасининг тартибли жи-ҳозлангани, фаолият йўналиши бўйича махсус албом ва ви-део-дисклар тайёрлангани ва бош-ка жиҳатларни инобатга олиб, тармоқ миқёсида вило-ятдаги энг намунали бошлан-ғич ташкилот деб топилди.

Шахрисабз педагогика колле-жи касаба уюшма кўмитаси фаолияти билан танишув чоғи-да ходимларга зарур меҳнат шароитлари яратилиб, аъзо-ларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш ишлари на-мунали йўлга қўйилганига гу-воҳ бўлдик. Абдурашид Ашу-ров раисликка сайланганига кўп бўлса-да, ўзининг ҳара-катчанлиги билан жамоанинг эътирофига лойиқ ишларни амалга оширмоқда.

— Абдурашиддон маънавий-маърифий ва спорт тадбирла-рини уюштириб, жамоани яна-да жиқлаштиришга эришти, — деди коллеж ўқитувчиси Эл-нора Сулаймонова. — Маса-лан, соҳибқирон Амр Тему-р хотирасига бағишлаб ўтказил-ган педагоглар мусобақаси ҳа-ром ёдимда. Яқинда ўқувчи-ларимиз коллежлараро ташкил этилган мусобақаларда мува-факиятга қатнашди. Тажриба-ли, ишда фаоллик кўрсатган ходимлар байрамлар арафаси-да Фахрий ёрлик ва эсдалик совга-лари билан рағбатланти-рилди. Беморлар ҳолидан хабар олиш, яқин ва ёмон кун-ларда ҳам ўз билимларини оши-риб боришмоқда.

— «Обод турмуш йили» Давлат дастурига асосан тузилган режа ранг-баранг. Ҳар кун эркин мавзуда давра суҳбатла-ри ўтказилди. 1650 та китоб фондига эга кутубхона ёш эр-таксева-рлар билан гавжум. Эътиборлиси, сўнгги йилларда мазкур оромгоҳдаги ишлар республика миқёсида эътироф этилганидир. Дарвоқе, 2012 йил якуниари бўйича оромгоҳ етакчиси Лутфулла Тураев «Энг намунали оромгоҳ бош-лиги» номинацияси ғолиби бўлди.

**ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ**

Қатор тармоқларда бўлгани каби таълим, фан ва маданият соҳасидаги муассасаларда ҳам «Энг намунали бошланғич

Ҳамкасблар оғирини озгина бўлса-да, энгиллатишга ҳисса



**«ҚАШҚАДАРЁ СОҒИЛИ»ДА**

«Қашқадарё соҳили» сана-торийси ташкил топганига салкам йигирма йил бўлди. Сўлим дарахтзор гўшасида, денгиз сатҳидан 600 метр ба-ландликда жойлашган, икли-ми балнеология бўлган маз-кур сихатгоҳда таън-ҳаракат аъзолари касалликлари, овқат ҳазм қилиш хасталиклари, юрак-қон-томир, асаб ҳамда гинекология касалликлари билан оғриган беморлар дам олишади.

2012 йилда биринчи ётоқ биносининг реконструкция қилиниши натижасида 70 на-фар беморни қабул қиладиган маскан 106 ўринли замонавий сихатгоҳга айланди. Раъно Оролова, Ҳазрат Мавқиев, Даврон Қулсоатов каби таж-рибали шифокорлар ёшу-қарининг дуосини олаётир.

— Шифокорга баҳони бе-морлар қўйишади, — деб ёзади «Дил изҳорлари» китобига Са-марқанд вилояти Пайариқ ту-манидан келган ўқитувчи Раҳи-ма Очилова. — «Қашқадарё со-ҳили»да соғлигимни мустаҳкам-ладим. Даволовчи шифокор Рамиш Сууюнов, уқаловчи Ло-бархон, қўли энгил ҳамширалар Шаҳло ва Комиллаҳондан мин-натдорман. Сихатгоҳ янада гўзаллашибди. Тиниб-тинчимас раҳбар И.Раҳимов ва барча хо-димларга эзгу тилақларимни билдираман.

— Шароитларимиз энда яқшилангани боис, бу ерга ке-лувчилар сони ошиб борапти. Шу йилнинг олти ойи давоми-да 1100 нафардан ортқ киши дам олди, — дейди шифокор Ҳазрат Мавқиев. — Сихатгоҳ ҳудудида маъданли шифо-бахш сув борлиги унинг нуфу-зига нуфуз қўшаётир.

Дарвоқе, жорий йилнинг ортда қолган олти ойида каса-ба уюшмалари сихатгоҳ-ларида вилоятдан 58 нафар фермер ва тадбиркор имти-ёзли йўланма билан дам олди. Кам таъминланган оилалардан 8 нафар аёл бе-пул даволанди. Фарзанд қурмаган 9 та ёш оила ва-киллари «Умид гушани» са-натрийсида соғломлашти-рилди. Бу мақсадлар учун давлат ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 5,3 млн.сўм маблағ сарфланди.

376 нафар иккинчи жаҳон уру-ши қатнашчиси 75,2 млн., 151 нафар кам таъминланган, меҳнат қўшиқисига 25,7 млн. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди.

Вилоят касаба уюшма ташки-лотлари томонидан ўтказилаёт-ган давра суҳбатлари, семинар ва кўрик-танловларнинг сони ва савияси йилдан-йилга ўсиб бора-пти. Масалан, «Меҳнат со-ҳасидаги муҳим аҳамиятга мо-лик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатиде 20 дан ортқ вилоят ташкилотлари иштирок этди. Шунингдек, ёзги соғлом-лаштириш мавсумини ушқоқ-лик билан ташкил этиш бўйича оромгоҳлар ходимлари, ташки-лотчилари иштирокида амалий ўқув-семинар ташкил этиш анъ-ана тусига кирган.

Обод турмуш йилига бағиш-лаб, меҳнаткашлар ўртасида бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида ўтган «Санъатим сенга, обод юртим!» кўрик-тан-ловининг туманлар ва вилоят босқичида юзлаб санъатсева-рлар, таъбир жоиз бўлса, янги истеъдодлар кашф этилди.

Бирлашма кенгашнинг ин-тернет тармоғидаги расмий портали орқали вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлаш-маси ва унга аъзо ташкилот-лари томонидан амалга ошири-лаётган ибратли ишлар ёрити-лиши билан бирга, эл-юрт ободлиги, кўнгуллар ободли-гини таъминловчи тадбирлар тарғиб этилмоқда.

Эрта бугундан бошланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий шериклик самара-дорлиги, меҳнаткашлар тур-муш даражасини оширишда фаол иштирок этиш, аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг банд-лигини таъминлашга кўмакла-шиш, хавфсиз меҳнат шароит-лари яратилишига эриштиш, бошланғичлар фаолиятини янада фаоллаштириш, спорт-ни, ички, ташқи ва тиббий ту-ризмни ривожлантириш, ёш-лар, хотин-қизларнинг ижтимо-ий мавқеини оширишга кўмак-лашиш, бир сўз билан айтган-да, давлат дастурларининг ба-жарилишида фаол иштирок этиш вилоят касаба уюшма ташкилотларининг устувор ва-зифалари сифатида амалда ўз ифодасини топаётир.

Акмал АБДИЕВ, Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбирлари

Ораминдаги одамлар

Ерни яхши кўраман

чунки у элни тўйдиради, кийинтиради, қолаверса, инсонни инсон қилади, — дейди ёзувчи ва журналист Ёқут Раҳимова

Унинг қатор насрий асарлари, жумладан, «Фурур», «Кўнгил», «Ширинни танийсизми?», «Бу сизга, ойижон», «Оқ баҳор», «Бойчечак» сингари китоблари аллақачон ўз мухлисларининг кўнгил мулкига айланиб улгурган.

Бир пайтлар унга осон бўлмаганди. Оила муаммолари, гўдаклар тарбияси, давлат иши ва ижод. Қийналиб юрган кўнларининг бирида Ёзувчилар уюмчаси Юнусобод туманининг 17-даҳасида уй қурдириб, талай истеъдодли ёшларни бошпанали қилди.

— Яна Ёзувчилар уюмчасининг шарофати билан Бўстонлик туманининг «Хўжакеч» қишлоғидан кўплар қатори Ёқутон опа ҳам дала ховли учун етди. Оламиз томорқа қилиб, тажриба орттирган эмасми, дарҳол атрофни ўратиб, майдонга трактор солди.

— Уэр, синглим, сизга фақат бодомлар қолибди-да,— деди. — Аммо лекин жуда яхши нав. — Шунисига ҳам шукр, бодом бўлса, бодом-да, — дедим.

— Хозир ўша аччиқ ва чучук бодом кўчатлари шундай дарахтлар бўлганки, ҳосилини кўтаролмай шохлари эгилиб қолади. Уч хонали иморат ҳам қурдирдим, унда барча қўлайликлар мавжуд.

— Уларингиздан ортган маҳсулотни сотасизларми? — Аввало, қариндош-уруғларга, қўни-қўшнилари тарқатамиз. Яна 16 та кам таъминланган оилага ҳам мева-сабзавотдан мунтазам қарашли турибмиз.

— Зангиота туманида «Хасанбой» аталмиш сўлим гўша бор. Ёқутон опанинг яна бир ховлиси ўша жойда.

— Ерни яхши кўраман, у элни тўйдиради, кийинтиради, қолаверса, инсонни инсон қилади, — дейди Ёқут Раҳимова. — Ери бўлсаю, норчоран деган одамнинг ўзи ношукур ёки дангаса.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма сиҳатгоҳларида

Маънавият ва маърифат ишларини юқори даражага кўтариш, меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг онги ва қалбига юксак маънавий фазилатларни камол топтириш бугунги кунда фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бирига айланди.



Расмийатчиликдан йироқ тадбирлар

таниқли шоир Шукур Қурбон «Уч буюк мезон: қонун, мафкура ва маънавият», подполковник Б. Нигматовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари — юрт тинччи»

«Ободлик кўнгилдан бошланади» деб номланган адабий-маърифий тадбиримизга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулхай Каримов ва шоира Марҳаббо Каримова таширф бўурди.

қадриятлар ва миллий ғоя» мавзuida уюштирилган маданий дастурда Ўзбекистон халқ артистлари — Азиза Бегматова, Афзал Рафиқов, Дилбар Исмоилова, Элёр Носиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Жумадулло Раметов, Доно Бобохонова, Шохида Ҳоқова, Муножот Тешабоева иш-тирок этди.

да амалий натижасини бераётгани мисоллар ёрдамида одамларга етказилаётди. Энг муҳими, тадбирларни расмийатчилик, баландларвозлик ҳолатларига йўл қўймавдди, кенг жамоатчилик вакиллариини жалб этган ҳолда, юртимизнинг турли ҳудудларидан дам олишга келган турли катламдаги одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган мазмун ва шакли асосида ўтказишга ҳаракат қилляпти.

Ишончим комилки, бу каби тадбирлар одамларни ҳаётга янгича назар, янгича тафаккур билан қарашга, мустақиллигининг қадрига етишга, Ватанини севишга, ундан фахрланишга давъат этаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Фулмон ЧОРИЕВ, «Турон санаторийси» ОАЖ маданий-маърифий ишлар ташкилотчиси



Навоий вилояти Нурота туманидаги «Zafar Granite Mining» корхонаси асосан гранит плита ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Йилгирмага яқин киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотларига талаб катта.

Суратда: корхона бош муҳандиси Акбар Бўтаев. Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА) олган сурат

Сўранг, жавоб берамиз

Яқинда кичик фарзандимиз 16 ёшга тўлди. Бобосининг исмини абадийлаштириш мақсадида фамилиясини ўзгартирмоқчимиз. Бу масалани ҳал қилиш учун кимга мурожаат қилишимиз керак? А. ОТАМУРДОВА, Гиждувон тумани

Жавоб: Фамилия, исм, ота исмини ўзгартариш ҳақидаги аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлган, турар жойидаги ФХДЭ органи томонидан кўриб чиқилади. Агар 16 ёшга тўлган шахс паспорт ёки паспорт ўрнини босувчи шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунга қадар фамилиясини, исмини, ота исмини ўзгартариш ҳақида ариза берса, унга тузилганлик ҳақидаги гувоҳнома ва тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви нухсаси илова қилинади.

Яқинда учинчи фарзандим туғилиб, уч кун яшаб вафот этди. Шу фарзандимизга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олишга улгурмаган эдик. Энди шу вафот этган фарзандимизга унинг туғилиши ва ўлими ҳақидаги гувоҳномаларни олишимиз шартми? Х.ФАНИЕВ, Шофиркон тумани

Жавоб: Сиздаги ҳолат перенатал ўлимни қайд қилиш ҳаракатига киряди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қондаларининг 30-бандига кўра, ҳаётнинг биринчи ҳафтаида ўлган (перенатал ўлим) болаларнинг туғилганини ва ўлимини қайд этиш тиббий муассаса аризасига биноан шу ҳудуддаги ФХДЭ органи томонидан 24 соат ичида амалга оширилади.

Агар бола туғилганидан кейин вафот этса, ҳатто у бир неча дақиқа яшаса ҳам туғилиши ҳамда ўлими ҳақидаги иккита ёзувдан иборат далолатнома тўзилади. Бундай ҳолларда туғилиш ҳақидаги далолатнома ёзуви туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома асосида, ўлганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви эса перенатал ўлим ҳақидаги тиббий гувоҳнома асосида амалга оширилади. Зарур ҳолларда ота-онанинг тилмоҳосига кўра (тирик туғилиб, сўнг вафот этган бола учун) ўлим ҳақидаги гувоҳнома ҳамда суғурта кассасига ва қабристон учун маълумотнома берилади.

Нуратулло ЖАҲОНОВ, Гиждувон тумани ФХДЭ бўлими мудири

Агар солиқ тўловчи вафот этса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш унинг меросхўри эиммасига юклатиладими? Мерос қўймати солиқ мажбурияти суммасидан кам бўлса, тўловлар қай тартибда амалга оширилади? Н.ТҲУТАЕВА, Қирғай тумани

Жавоб: Мамлакатимиз Солиқ Кодексининг 52-моддасига асосан вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкни қабул қилган меросхўрлари томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улushi мутаносиб равишда, мерос қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмадан бажарилади. Вафот этган шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлганда, қарзининг қолган суммаси, шунингдек, меросхўр бўлмаган тақдирда бундай қарз умидсиз қарз ҳисобланади.

Марҳумнинг жиқмоний шахслардан олинмадиган даромад солигинини тўлаш бўйича қарзи — умидсиз қарз деб эътироф этилиши белгиланган.

Абдуқодир АБДУМАЛИКОВ, Олмазор тумани 8-ДНИ нотариуси

Дикқат! Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлимининг «Ишонч телефони» 256-71-78.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюмчаси Марказий кенгаши жамоаси Қарши шаҳар тиббиёт коллежи касаба уюшма қўмитаси раиси Валихон Турсуновга онаси МУҚАДДАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Танишинг: журналнинг янги сони

Олий қадрият тантанаси йўлида



«Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» илмий-маърифий журналининг жорий йилдаги 2-сонини «Давлат сиёсатининг устувор йўналиши» сарлавҳали мақола билан очилади. Мақолада таъкидланишича, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб инсонни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий муҳофаза қилиши, унинг ҳар томонлама камол топиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб олди.

Мақолада давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ушбу йўналишида амалга ошираётган кенг кўламли, кўп қиррали фаолияти ҳақида батафсил ҳикоя қилинган.

Маълумки, халқимиз ҳаракат ва интилишларининг негизида, авваламбор, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон ашайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси муҳассам. Истиқлол йилларида бу борада улғувор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Яратувчилик ва бунёдкорлик ҳаёт тарзимизга айланди. 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб номлангани эса ушбу йўналишдаги эзгу ишларни яна ушбу йўналишдаги эзгу ишларни эса қуруқ ва шижоат билан давом эттиришимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий замин яратиб берди.

«2013 йил — Обод турмуш йили» рўқни остида берилган Бухоро тиббиёт институти ўқитувчиси Хуршида Кенжаеванинг «Жамиятнинг модернизациялаш жараёнида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги» ҳамда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетини Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари кафедраси катта ўқитувчиси Нодира Толибованинг «Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши» сарлавҳали мақолаларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётда самарали фаолият кўратишлари учун яратилаётган

автовнинг «Умумий сайлов ҳуқуқи принциплари: миллий ва хорижий тажриба» ҳамда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти катта мутахассиси Ойбек Султоновнинг «Ўзбекистон Экологик ҳаракатида депутатлик мандати квоталаниши тартибининг афзалликлари» сарлавҳали мақолаларида сайлов тизимида амалга оширилаётган янгиланишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Журналистлар Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходими-изланувчи, социология фанлари номзоди Қилжон Абдуазимовнинг «Матбуотнинг 4т назариялари» модели» ҳамда Наманган Давлат университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси Аъзамжон Тўхтабоевнинг «Ёшлар тафаккурини шакллантиришда таълим-тарбиянинг ўрни» мақолалари билан «Фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя» рўқнида танишдилар.

«Ҳуқуқ назарияси масалалари» рўқнида эълон қилинган Тошкент Давлат юридик институти катта илмий ходими Элёр Хўжаевнинг «Корхонани сотишнинг умумий тавсифи», Тошкент Давлат юридик институти стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси Солихон Солиевнинг «Жиноят ҳуқуқида ушлаб туриш билан боғлиқ халқаро стандартлар» мақолалари кўтарилган масалаларнинг моҳиятига кўра нафақат ҳуқуқносорлар, иқтисодчилар ва тадбиркорлар, балки кенг жамоатчиликда катта қизиқиш унғотиши шубҳасиз.

Журналининг янги сонидан ҳар галликдек турли анжуманлар, тадбирлар, тақдиротлар тўғрисидаги ахборотларга ҳам кенг ўрин берилган.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Юлдузча» соғломлаштириш оромгоҳида 80 нафар ўғил-қиз марокли хордик чиқармоқда.

Оромгоҳдаги кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари ҳамда компютер саводхонлиги, шахмат-шашка, футбол, стол тенниси, баскетбол, волейбол каби тўғаракларда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказаятири.

Суратда: Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Юлдузча» соғломлаштириш оромгоҳи.


Алишер ИСРОИЛОВ (Ўза) олган сурат



Хайкалтарошлик

Ватан тимсоли

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон хайкалтарошлиги бир поғона юксалди. Бу тарихий мавзуга мувожаат юртимиз ўтмишида ўзидан ўчмас из қолдирган аждодларимизга эҳтиром рамзи сифатида яратилган ёдгорликларда намойиш бўлмоқда.



Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан то ҳозирги кунга қадар Алишер Навоий, Амир Темури, Улуғбек, Мирзо Бобур, Камолитдин Бехзод, Ал-помини, Жалолиддин Манғуберди, Аҳмад Фарғоний, Мусо ал-Хоразмий, Ибн Сино, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Ойбек, Саид Аҳмад ва Саида Зуннуно-ва каби юрт-равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган ватандошларимизнинг маҳобатли хайкаллари барпо этилди.

Она сиймосини гавдалантириш ҳар бир ижодкорнинг юрагидаги сўнмас орузлардан биридир. Ушбу йўналишда яратилган асарлар талайгина. Жумладан, «Мотамсаро она», «Бахтиёр она» ҳамда «Ватанга қасамд» каби хайкалтарошлик намуналарида она образи муваффақиятли тарзда очиб берилган. «Мотамсаро она» хайкали орқали урушда фарзандидан айрилган она тимсоли, бир умр жигаргўшасини кутиб, унинг ҳақиқа дуода бўлган аёл

«Бунёдкор — 2013»

Жиззахдаги олий ўқув юртига талаба-ёшларидан иборат юзлаб йигит-қизлар ўзги таътил даврида «Бунёдкор — 2013» курилмиш отрядлари сафига бирлашиб, вилоятдаги 22 та массивда 550 та намунавий лойиҳа асосида барпо этилаётган турар жой ҳамда 40 та ижтимоий объектда фаолият олиб боришяпти.

Ғайрат, шижоат, матонат

— Келажакда қурувчи бўлишни оруз қилганман, — дейди Жиззах политехника институти талабаси А.Йўлдошев. — Биз, икки юз нафар талаба институтда олган билимларимизни амалиётда қўллаётганимиздан мамнунмиз. Вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари бу яхши ташаббусни бошлаб, ҳолимиздан доимо бохабар бўлиб келмоқда.

Вилоятнинг Зомин, Ғаллаорол, Янгиобод, Бахмал, Пахтакор каби қатор туманларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида талаба-ёшлар алоҳида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишяпти.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Бирни кўриб фикр қил...

Аждодларимиз орзу қилган, лекин уларга армон бўлган мустақиллик, хуррият бизга насиб қилди. Аждодларимиз этолмаган ёруғ кунларда яшяпмиз.

Дилдаги тилга кўчсин

Мамлакатимизда ҳар ким дини, ирқи, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, бир хил ҳуқуққа эга. Яратганга шукрим, ҳаж сафари, умра каби исломий ибодатлар ҳам эркинликка чиқди, халққа ўз эътиқоди қайтди.

Улкамизда рамазон ойи давом этмоқда. Хўш, биз покланмоқчи чиндан-да истасак, нималарга эътибор беришимиз лозим? Биринчидан, ўзимизни ёмон иллатлардан, яъни, спиртли ичимлик ичиш, зинокорлик, фисқу-фасод, чақимчилик ва ғийбат сўзлардан тийишимиз керак бўлади.

Шу ўринда бир ривоятга эътиборингизни қаратмоқчиман. Қадимда донишманд киши хузурига фосих, гуноҳкор киши келиб: — Мени ўзингизга шогирдликка олсангиз, шоядки, Яратганнинг марҳамати ила гуноҳлардан фориғ бўлсам, — дебди.

Шунда донишманд: — Бунинг учун шариятда бешта йўл бор, ана шу йўллардан юришингга тўри келади, — дея жавоб қайтарибди.

— У қандай йўллар экан? — сурабди гуноҳкор киши. — У кўз йўли, қўлқў йўли, қўл йўли, оёқ йўли ва тил йўлидир. Яъни, кўзинг билан номаҳрамларга суқланиб қарамайсан. Қўлинг билан ҳар хил ғийбат, фасод гапларни эшитмайсан, қўлинг билан ўғирлик қилмайсан, оёқинг билан ношаърий ишлар ва ерларга бормайсан. Тилинг билан кишиларга озор етказадиган сўзларни гапирмайсан. Ана шунда мен сени шогирдликка қабул қиламан, — дебди донишманд.

— Мен бу шартларни қабул қилдим. Чунки одамларга ўхшаб яшашни истайман, — дилидагини тилига кўчирибди халғи киши. Ана шундан кейин донишманд уни шогирдликка қабул қилган экан...

Ўқоридаги ривоятдан кўриниб турибдики, поклик, ҳалоллик билан ўтказилган кунларгина бизга рўшноликка яшашга имкон беради.

Рўзимурод АРЗИЕВ

XXVII Жаҳон универсиадаси



Медаллар шодаси

XXVII Жаҳон универсиадасида юртимиз терма жамоаси ҳисобига дастлабки олтин медални иқтидорли ёш боксчи Ҳасанбой Дўсматов келтирди. Андижон Давлат университети талабаси саралаш учрашувида озарбайжонлик Араз Имамакиев, тожикистонлик Файзмамад Малахбеков, мўғулистонлик Ган-Эрдене Ганкуяни енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи бешлашувда Жанубий Корея вакили Инкю Кимни катта устунликда енгган ҳамюртимиз Жаҳон универсиадаси чемпиони номини қўлга киритди.

Бокс мусобақасининг финалида қатнашган спортчиларимиздан Фазлиддин Ғойибназаров, Хуршидбек Норматов, Азизбек Абдуғофуров, Рустам Тўлаганов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Элшод Расулов, Жасурбек Латипов ва Мирзоҳиджон Абдуллаев бронза медал соҳибига айланмишди.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бир олтин, тўрт кумуш ва учта бронза медал билан қирққа яқин мамлакатлар орасида умумжамоа ҳисобида кучли учликдан жой олди.

Белбоғли курашнинг классик йўналишида гиламга чиққан жаҳон чемпиони Зайлобиддин Ортоқов терма жамоамиз ҳисобига иккинчи кумуш медални келтирди.

Бухорода ўтган «Универсиада — 2013» мусобақаларида зафар қўнган тажрибали полвонимиз Қозондаги бешлашувларда грузиялик Георгий Датунашвили, литвалек Домас Зимкус, беларуслик Александр Хруздзев,

латвиялик Янис Рерихси мағлубиятга учратиб, финалга йўл олган эди. Ҳал қилувчи баҳсда спортчимизга кумуш медал насиб этди.



Яхё Имомов дзюдо бўйича кумуш медални қўлга киритди. Истеъдодли полвонимиз 81 кг. вазн тоифасидаги бешлашувларда венгриялик Ласло Цокания, франциялик Жоюламе Риоу, хитойлик Хаюань Гао, мўғулистонлик Батзориг Тумурхуяг-

ни мағлубиятга учратиб, финал бешлашувда япониялик Таканори Нагасага кичик ҳисобда ютказиб қўйди.

Белбоғли курашнинг эркин йўналиши бўйича хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда Урганч Давлат университети талабаси Замирахон Аҳмедова шохсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Оғир атлетикачиларимиз ҳам дастлабки медалларни қўлга киритди. Эркаклар ўртасида 77 кг. вазн тоифасидаги бешлашувларда қатнашган Улуғбек Алимов штангани даст кўтаришда 154, силтаб кўтаришда 197, иккикураш натижасига кўра 351 кг. курсатки билан кумуш медалга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар орасида 69 кг. вазн тоифасида қатнашган Манзурахон Мамасолиева штангани даст кўтаришда 97, силтаб кўтаришда 125, иккикураш бўйича 222 кг. натижани қайд этиб, бронза медалга муносиб топилди.

Хотин-қизлар орасида 69 кг. вазн тоифасида қатнашган Манзурахон Мамасолиева штангани даст кўтаришда 97, силтаб кўтаришда 125, иккикураш бўйича 222 кг. натижани қайд этиб, бронза медалга муносиб топилди.

Нигоҳ

Тасвирий санъатнинг сеҳрли олами киши фикри, шуурини беихтиёр ўзига тортиб олади. Бундай ижобий ҳиссиётларни биз таниқли мусаввир Акмал Нурнинг кўргазмаларида намойиш этилган юзлаб асарларни томоша қилаётиб бошдан кечирганмиз.

Нозик туйғулар тасвири

Акмал Нур яратган кенг қамровли, сермазун, ранг ва чизгилар товлашишлари бой композициялар бир неча ўн йилдан буюн санъатшунос ҳамда илҳосмандлар эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Мусаввир ижодий фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ инсон ички оламининг табиат ва жамият билан қоршиқ нуқталарини теран, атрофлича тадқиқ этиш, одам руҳиятидаги нозик кечинмаларга ишора қилувчи рамзий тасвирлар яратиш борасида самарали изланди. Унинг «Хайл», «Кумуш», «Алла», «Ширин туш», «Лайли ва Мажнун», «Иссиқ тандир», «Марокаш таассуротлари», «Работ» каби асарлари фикримизнинг тасдиғи бўла олади.

«Хайл» асарида рассом инсон туйғусининг нақадар нозик ва кенг эканлигини, орзу, умид, кутиш ҳолатларини ўзига хос таъсирчан тасвирий воситалар, рамзий ўхшатишлар орқали намойиш этди. Асар томошабинини боқира, мунис айланиш ички кечинмалари, изтиробу дардларидан огоҳ этди. Тасвири кўриш, идрок этиш асносида ҳаёт фалсафаси ҳақидаги кенг маъноли тушунча маҳзун бир қўшиқ янглиғ таралади. Ҳаёт абдийлиги, армонли, орзули умр учурлиги ёдга тушади.

«Кумуш» асари эса тасвир воситаларининг қўлланариш жиҳатидан гўзал, ҳозирабод, нақшинок кўна қошнлар сингари «ял-ял» товланади. Унга қараб миллий халқ хунармандчилиги ва мейморчилиги намуналарига қоршиқ уйғун бир муҳрига қараб турган Кумушнинг ой янглиғ гўзал хусну таровати балқиб турибди, дейсиз.

«Иссиқ тандир»да гўзал ёшлик, бахтининг оний лаҳзалари, турмуш кечинмаларини рамзий маънода инъикос эттирувчи воқеа-ҳодисалар тасвирланган. Ҳаёт тандирдек қайноқ, унинг ёруғ пайтлари ҳам, қоронғу, соғуқ лаҳзалари, изтиробли кунлари ҳам бўлади, албатта. Рас-

сом икки бир-бирига пайванд ёшлар тимсолида «ҳар қандай муҳитда ҳам ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром барқарор бўлса, ҳаёт лаззати янада тотлироқ бўлади», дейди гўё. «Муҳаббат шундай туйғуки, унинг қайноқ изтироблари, ташвишлари ҳам бор», дейди мусаввир дилтортар, нозик ранг-тусларга йўрилган тасвирлар орқали сўзлар экан.

«Алла» асарида эса беланчакни тебратиб ўтирган аёлнинг мунис қиёфаси илоҳийдек бўлиб туюлувчи муҳит бағрида тасвирланади.

Рассом ҳар бир асар тарихини мейбўёқда муқаммал қилиб яратар экан, томошабин ички дунёсига ижобий таъсир этувчи ранг-туслар, нозик тасвирий воситалар, ўзига хос рамзий нуқталарни топиб, усталик билан қўллайди. Натижада санъат асарини кўриб, уни тушунишга интилаётган одам ва бадий асар ўртасидаги мулоқотга беихтиёр эҳтиёж туғилади. Асар воқеалари тасвирлар орқали ўзи ҳақида сўзлайди.

Мусаввирнинг ҳеч бир асари томошабинни бефарқ қолдирмайди. Чунки уларда халқимиз турмуши, орзу-ўйлари, шу кеча-кундуздаги ҳаёти қуюқ бўёқли, сермазун тасвирларда ўз бадий ифодасини топаган. Яна уларда севиқ, муҳаббат, садоқат, оналик, бахт, вафо, висол, оила, турмуш, инсоннинг нозик ички кечинмалари, поклик, нафосат ва гўзаллик каби умуминсоний тушунчалар кўркам тасвирлар орқали намойиш этилган. Шу сабабли улар ҳозиргина яратилгандек тасаввур уйғотди.

Акмал Нур асарлари ижодининг қайси даврида яратилганидан қатъи назар уларнинг ранг жилолари, қолоритнинг ўзига хос уйғунлиги, нозик тилла, мовий, сафсар, пушти




рангларнинг тасвир шакл-шамойилини белгилаб, ургулаб, мазмун, композиция ечинини ёрқин очиб бериши томошабинни ҳайратлантириши шубҳасиз. Чунки матонинг бирор сантиметри ҳам рассом эътиборидан четда қолмайди. Уларда ижодкорнинг юксак касб маҳорати яққол намойиш бўлиб туради. Бу синчков нигоҳ рассом ички маданиятини кўрсатади. Асардаги муз батафсиллик унинг гоёси, мазмунини идрок этишимизга асло соя солмайди. Қайтаган унга ўзига хос силрилик ва эртакона руҳ бағишлайди.

Ўзбекистон халқ рассоми, Республика Бадий академиясининг ҳақиқий аъзоси, Давлат мукофотининг соҳиб, маҳоратли, уста рассом Акмал Нур ижоди кўп қирраллиги, миллийлиги, халқчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Албатта, мусаввирнинг ижодий фаолиятининг турли даврлари, улардаги янгиликлар, янги-янги ноёб тасвирий ифода ҳамда воситалар тўғрисида кўп, батафсил таҳлиллар қилиши мумкин. Ҳозир эса унинг ижодий фаолиятининг дастлабки даврларига оид айрим асарлари хусусида қисқача сўз юритдик ҳолда.

Баҳром ТОЖИЕВ, санъатшунос

Теннис



Пойтахтимизда ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган «ВВU Cup — 2013» халқаро турнирида вакилларимиз Жўрабек Каримов ва Арина Фолца омад қилиб бокди.

Жўрабек ва Арина — ғолиб!

Турнирда АКШ, Буюк Британия, Испания, Сербия, Ҳиндистон, Латвия, Грузия, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда юртимиз теннисчилари яқкалик ва жуфтлик баҳсларида ўзаро рақобатлашди.

Жўрабек Каримов финал учрашувида буюк британиялик Асвин Лизенни 4:6, 6:3, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Бу 15 ёшли теннисчимизнинг яқкалик баҳсларидаги дастлабки совринидир.

Мусобақанинг жуфтлик бешлашувларида қозонган Жўрабек Каримов ва Арина Фолца (Ўзбекистон) ва Қосимбек Ажжаркенов (Қозоғистон) дуэтини 6:0, 6:3 ҳисобида енгди.

Халқаро турнирнинг қизлар ўртасидаги баҳсларида ёш теннисчимиз Арина Фолца бош совринга сазовор бўлди. У финалда америкалик Айла Аксу устидан 6:2, 6:7, 7:6 ҳисобида зафар қучди.

Арина Фолца ва Айла Аксу жуфтлик баҳсларида ўзаро ҳамкорликда қатнашди ва кетма-кет тўртта учрашувида ғолиб чиқиб, бош совринни қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз

Footer containing contact information for 'O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi', including address, phone numbers, website, and subscription rates.